

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 112 (11.423)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200  
2009  
ТОШКЕНТ

### ШАҲРИМИЗ ЭКОЛОГИЯСИ — КЕЧА ВА БУГУН

Мирзо Улуғбек  
номидаги Ўзбекистон  
Миллий университетда  
«Тошкент тарихида  
табиат ва инсон  
муносабатлари»  
мавузуда республика  
илмий-амалий  
конференцияси бўлиб  
ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш» тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш доирасида «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамоатчилиги жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбир Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, тарих, археология ва экология соҳасидаги етакчи олим ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси ўлароқ, пойтахтимиз бугунги кунда Марказий Осиёда нафақат тинчлик ва дўстлик рамзи, маданият, билим, илм-фан ва маънавият маркази, балки йирик саноат шаҳри ҳам ҳисобланади, — деди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Ф.Муҳамедов. — ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессиясида Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган азим шаҳримиз жаҳон цивилизацияси тарихи ва ҳозирги халқаро ривожланишда муҳим ўрин эгаллашининг эркин тасдиқидир.

Конференцияда Тошкентнинг бетакор киефасида инсоннинг атроф-муҳит, табиат билан муносабати ҳам ўз ифодасини топгани қайд этилди. Шу маънода, унинг экологик тарихини ўрганиш, Тошкентнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнида инсон билан табиат муносабатларини вужудга келтирган антропоген фаолиятнинг экотизмига таъсир этувчи омилларини очиб бериш катта аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).


### Кичик бизнес

**Рақобатбардош маҳсулот турларини харидор дид ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда кўпайтириш бугунги бозор талабларидан ҳисобланади.**

Буни ҳисобга олган пойтахтимиздаги «GAUCH» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган маҳсулотлар турлари бозорни ўрганиш, буюртмачи талаб ва тақлифидан келиб чиқиб натижасида кундан кунга ортиб бормоқда. Жорий йилда тадбиркорлар тоғ-металлургия саноати ва халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқлари учун куллаб турдаги маҳсулотлар тайёрлаб беришга ҳаракат қилишмоқда.

Корхона ўз фаолиятини 2001 йилда бошлаган бўлиб, полиуретан буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва ҳозирда бундай товарларга ички бозорда талаб катта. Айни пайтда корхонада ишлаб чиқарилаётган манжет, ҳалқа, мембрана, втулка, прокладка ва бошқа шу сингари маҳсулотларнинг мингдан зиёд турлари мавжуд. Энг асосийси эса ушбу товарларнинг барча керакли талабларга ва стандартга жавоб бериши, сифатига қаратилаётган юксак эътибордир.

— Ҳозирги кунда тоғ-металлургия корхоналари учун янги турдаги керакли маҳсулотларни яратаятганимиз ривожлани-



## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА

шимизда муҳим омил бўлмоқда ва ишлаб чиқариш ҳажми ортишига эришяпти, — дейди корхона раҳбари Александр Рожков. — Жамоамизда меҳнат қилаётган 40 нафар турли хунар эгалари бўлган малакали мутахассислар ўз ишига сидқидилдан ёндошишмоқда. Шунингдек, касаначи иш ўринлари ҳам яратилган бўлиб, улар буюртмаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Утган йилда корхонада 1,5 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Жорий йилнинг биринчи чорағида ишлаб чиқариш ҳажми 350 миллион сўмни ташкил этди. Олмалик ва Навоий тоғ-металлургия комбинатлари корxonанинг асосий буюртмачилари сирасидан бўлиб, улар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек пойтахтимизда муваффақиятли фаолият олиб бораётган

«Фарм гласс», «Green World» қўшма корхоналари билан ҳам ҳамкорлик мустақамланиб бормоқда.

Корхона маҳаллийлаштириш дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этмоқда. Ишлаб чиқариш қувватини ошириш, маҳсулот сифатини таъминлаб, турларини кўпайтириш ниятида ишлаб чиқаришни модернизация қилишга эътибор қаратилган. Бундай интилишларнинг самараси эса корхона ривожига, буюртмачилар сафи ортишида ўз аксини топиши, шубҳасиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
СУРАТДА: малакали мутахассислар тайёрланаётган маҳсулот сифатини оширишга эътибор қаратишади.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Ўзининг бой тарихига эга, ҳозирги глобал муаммоларни ишонч билан бартараф этаётган, келажакни халқнинг бебаҳо маънавий мероси асосида қураётган Ўзбекистон бугун хорижий мамлакатлар эътиборини тобора жалб этмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН АРАБ ДУНЁСИ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

Яқинда Саудия Арабистони Подшоҳлиги ва Кувайтнинг бир қатор оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикасига бағишланган туркум мақолаларни чоп этди.

Кувайт ахборот агентлиги (KUNA)нинг расмий веб-сайтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ушбу мамлакатда араб тилида наشر этилган «Юксак маънавият — энгилмас куч» номли китоби ҳақидаги мақола эълон қилинди.

«Китоб ўзида бутун таракқиёт давомида инсониятнинг бой хазинаси бўлиб келган маънавий ва ахлоқий қадриятлар моҳияти ва аҳамиятини теран таҳлилни муҳассам этган. — деб ёзди мақола муаллифи Зайд ал-Сирбал. — Унда инсон ва жамият ҳаётида маънавий қадриятларнинг ўрни, ушбу мураккаб ва кўп қиррали тушунчаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари асосли хулосалар билан баён қилинган.

Асар Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунлариданок амалга оширилаётган тадбирларни, хусусан, миллий қадриятларни тиклаш ва уларни юксалтириш борасидаги улкан сазй-ҳаракатларни ифодалайди. Ҳозирги глобаллашув шароитида маънавий қадриятлар соҳасидаги муаммоларни ҳал этишда, халқларнинг тенглигини сақлаш ва уни ёш авлод онгига синдиришда муҳим аҳамият касб этади. Китобда ёшларни турли салбий ва зарарли ғоялардан ҳимоя қилиш муҳимлиги алоҳида таъкидланади.

(Давоми 2-бетда).

## СУГУРТА — ИШОНЧЛИ КАФОЛАТ

Тошкентда Халқаро сугурта форуми иш бошлади. «SAIPRO» компанияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Сугурта бозори профессионал Ассоциацияси кўмағида ўтказилган семинарда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарасига эътибор қаратилди.

Сугурталаш тизимидаги компанияларнинг ўрни нафақат иқтисодиётда, балки аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. 2009 йил 1 апрель ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг Сугурта бозорида 30 та сугурта компанияси ва турли сугурта хизматларини кўрсатувчи бир қатор ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Компанияларнинг 29 таси умумий сугурталарни амалга оширса, 1 таси инсон ҳаётини сугурталайди. Биргина 2008 йилнинг ўзида сугурта компаниялари ўз мижозларига 14,2 миллиард сўм сугурта қопламаларини тўлаб беришган. Бу микдор 2007 йилга таққосланганда қариб 3 мартага кўлди. Семинардан кўзланган мақсад эса, Ўзбекистонда сугурталаш тизимини янада кучайтириш, аҳолига тизим афзалликларини тушунириш, жаҳон тажрибасига таяниб биргина иқтисодиётда эмас, балки барча соҳаларда уни қўллаш имкониятини яраттишдан иборатдир.

— Ўзбекистондаги сугурталаш ти-

зимининг қисқа фурсатда ижобий ютуқларни қўлга киритганлиги халқаро сугуртачилар диққатини тортмоқда, — дейди «SAIPRO» компанияси бош директори ўринбосари Баҳодир Холбоев. — 2008 йил якунлари буйича Ўзбекистонда сугурталаш тизими 2007 йилга қараганда 1,5 баробарга ошганлигининг ўзидек соҳадаги ривожланишдан далolat беради.

Семинарда дунёнинг Австрия, Германия, Франция, Швейцария, Польша, Болгария, Туркия, Россия, Украина, Қозғистон, Озарбойжон, Буюк Британия каби ўн бешта мамлакатидан сугурталаш тизимининг мутахассислари саналган 200 дан зиёд менежер ва экспертлар иштирок этишяпти.

Семинар сўнггида жаҳон сугурталаш тизимининг ривожига салмоқли улуш қўшган менежер ва экспертлар «Олтин соябон» мукофоти билан тақдирланди.

Азиза ҚИЁСОВА,  
«Туркестон-пресс»

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Баҳрайн Подшоҳлиги молия вазири шайх Аҳмад бин Муҳаммад Ол Халифани қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Баҳрайн Подшоҳлиги ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик истиқболларига доир масалалар муҳокама қилинди.

• Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг назорат-таҳлил йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент вилоятининг бир нечта шаҳар ва туман газеталари таҳририятларидаги ижроси масаласи муҳокама этилди.

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан ташкил этилган илмий-амалий конференция «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасининг тартибга солиниши» мавзусига бағишланди.

• Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши ўтказилди. Унда вояга етмаганларни оммавий спортга жалб этиш борасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

• Урганч давлат университетиде «Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўрни» мавзусида семинар ташкил этилди. Унда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

• Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан озик-овқат маҳсулотларини ташишга мўлжалланган махсус автомашина соғва қилинди.

• Республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги лойиҳаси доирасида бир нечта тузилмалар кўмағида Тошкент вилоятининг Куйи Чирчик туманида исроиллик экспертлар иштирокида чорвадорликни барқарор ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

• Сурхондарё вилоятида оғоҳликни таъминлаш ва жамоатчилик фаоллигини янада ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

• Европарламентга бўлиб ўтган сайловларда Испания ва Австрияда халқ партияси ғалаба қозонди.

• Бельгиянинг Брюссель шаҳрида тўрт кун давомида Европарламентга ўтказилган сайловларнинг дастлабки натижалари таҳлил этилди. Маълумотларга кўра, сайловларда умумий овоз берувчиларнинг 43 фоизи иштирок этган ва умумий якунда консерваторлар муваффақиятга эришган.

• Гондурасда бўлиб ўтган Америка давлатлари ташкилоти бош ассамблеясининг 39-сессиясида 1962 йили АКШ босими остида қабул қилинган Кубани ташкилот аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги резолюция бир овоздан бекор қилинди.

• Украина Бош вазири Юлия Тимошенко навбатдаги президент сайловларида давлат раҳбарлиги лавозимига ўз номзодини қўйишни маълум қилди. Таъкидлаш жоизки, Украинада президент сайловлари жорий йилнинг охири, келгуси йилнинг бошларида ўтказилади. Сайлов ўтказилган анйқ муддатни мамлакат парламенти белгилайди.

• «Air France» авиакомпаниясига қарашли «А-330-200» самолёти ҳалокатга учраган Атлантика океанининг муайян қисмида аэробуснинг ҳаётдан кўз юмган 17 нафар йўловчисининг жасадлари топилди.

• Кеча Сочида 20-Кинотавр фестивали бошланди.

• АКШ Президенти Барак Обама Америка маъмуриятида кибер-жиноятчиликка қарши кураш олиб боровчи махсус бўлинма ташкил этилганлигини маълум қилди. Президент бугун барча соҳалар компьютер технологияси билан чамбарчас боғлиқлигини, компьютер тармоқларига суқилиб кирувчи ҳакерлар ҳаракати кишилик жамиятига ҳужум билан баробар эканлигини таъкидлади.

• Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини дунёнинг энг бой кишилари бизнеси ва сармоясига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Хусусан, сайёрамизнинг кўпчилиги миллиардерлари «сениб» бормоқда. Таъкидлаш керакки, биргина Хитойнинг ўзида инқироз боис миллиардерлар сони учдан бир қисмга камайди. Яъни 2008 йилда мамлакатда 71 нафар миллиардер мавжуд бўлган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 52 нафарга тушиб қолди, 19 нафари эса миллионерлар сафига қўшилди.

## ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ФАФУР** Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Бутун-жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб ўтказилган тадбир «Сиз сайёрага қерасиз, иқлим ўзгаришига қарши курашиш учун бирлашинг», деб номланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда БМТнинг Тараққиёт Дастури ҳамкорликларида ноғиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича тайёрланган лойиҳа доирасида шаҳримизда соҳа ходимлари иштирокида ўқув семинари ташкил этилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Товар хом ашё биржасида хитойлик ва маҳаллий тадбиркорлар иштирокида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантиришнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадий ҳаваскорлик жамоалари, туғараклар, ўқув курслари раҳбарлари, катнашчилари иштирокида «Тошкентнинг 12 дарозаси» мавзусида ачим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб маънавий-маърифий давра суҳбати ўтказилди.


Маълумки, жорий йилда асим Тошкентимизнинг қутлуғ 2200 йиллик юбилейи кенг нишонланади. Ҳозирда юртимиз узра тантаналарга қизгин тайёргарлик кетмоқда.



Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети томонидан ҳам Тошкент юбилейига атаб қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, яқинда бўлиб ўтган «Ўзбекистон — Ватаним маним» шиори остидаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти маданияти кўни» дастури ҳам пойтахтимизни талабаларга янада яқинроқ таништириш мақсадида ранг-баранг ва қизиқарли мавзуларда тузилди.

ради, «Тошкентни биласизми?» викторинаси ўтказилди ва тошкентча урф-одатлар сахна кўришида тақдим этилди. Байрам сўнгида тошкентча дастурхон ёзилиб, ош ҳам тортилди.

### ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ШАҲРИ



лаш ҳис-туйғуларини уйғотишга ҳамда шаҳри асим билан яқиндан танишишларига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Аслида, Тошкентнинг «Нон шаҳри», «Дўстлик шаҳри», «Шарқ машъали», «Кўҳна ва ҳаммиса навқирон», «Азим Тошкент», «Шарқ юлдузи», «Тошкент руҳи» дея номланиши бежиз эмас.

Тошкентнинг бундай номларга сазовор бўлиши асим шаҳримизнинг тарихи, у босиб ўтган йўли билан чамбарчас боғлиқ ҳамда асосли.

Маълумки, ўзбек халқи бир пайтлар истибод тузум шаро-

цияннинг кучи ҳақида гапирар эканлар, биз кўёш нури каби ёрқин ва ўткир сўзлар орқали инсонларнинг қалби ва оғли кириб, уларни яшашга, яратишга, курашга ва голиб бўлишига интиламиз, дея таъкидлади.

Худди шу конференция ишида «Тошкент руҳи» деган ибора пайдо бўлди. Сўз усталари Тошкент конференцияси минбаридан туриб жаҳонга қурол билан пўписа қилаётган, дунёни ядро фалокатига судраётган уруш тарафдорларига нисбатан ўз фикрларини айтди.

1968 йилда Тошкентда дунё-

нинг 46 давлати иштирокида Осиё ва Африка ёзувчилари конференциясининг 10 йиллигига бағишланган «Адабиёт ва ҳозирги замон» мавзусида симпозиум ўтказилди. 1976 йилда Осиё, Африка ва Латин Америка синасонъаткорларининг фестивали бўлиб ўтди. Унда 70 дан ортиқ давлат, 4 та халқаро ташкилот вакиллари қатнашди. Бу кинофорум шиори ва гимнида куйланган Тошкентнинг дўстлик ва тинчлик шаҳри эканлиги чет тилларда узоқ вақт янграб турди.

Шу билан бир қаторда Тош-

кентда чет эл дипломатик корпусининг жойлашиши республикамизнинг дунё мамлакатлари томонидан танилишидан дарак беради.

Халқаро алоқалар биродарлашган шаҳарлар орқали ҳам амалга оширилганлигининг гувоҳи бўламыз. Бу ҳам ўз навабатида Тошкентнинг ва Тошкент орқали ўзбек халқининг жаҳон ҳамжамиятига ўзини намойён этиши учун бир восита бўлди, деб айтиш мумкин.

Масалан, Тошкент АҚШнинг Сиэтл, Хиндистоннинг Патнала, Покистоннинг Карачи, Туниснинг Тунис,

Ливиянинг Триполи, Марокашнинг Марокаш шаҳарлари билан, Чирчиқ шаҳри Миср Араб Республикасининг Асуан шаҳри билан, Олмалик шаҳри Замбиянинг Китве шаҳри билан биродарлашган эди. Бундан Тошкентнинг дунё ҳамжамияти давлатлари орасида ўз ўрни ва обрўсига эга эканлиги ва бу нарса мустақилликка эришганимиздан сўнг янада ёрқинроқ намойён бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хулоса сифатида халқимизнинг асрлар давомида кўшин ва бошқа чет давлатлар билан яқиндан алоқа қилиб келгани ва бунга интилангани, республикамиз зиёлилари ташқи алоқаларни илм-фан, техника, санъат ва маданият каби соҳаларда амалга оширганлиги, буларнинг бари эса Тошкентнинг тинчлик ва дўстлик шаҳри деб ном олишига муҳим омил бўлиб хизмат қилганини айтиб ўтиш ўринли.

Мустақилликка эришгач, Тошкентнинг бундай номлар билан аталиши мазмунан бойиб, янги босқичга ўтди. Чунки, Тошкент дўстлик ва тинчлик шаҳри номига содиқ қолган ҳолда, йирик симпозиумлар, учрашувлар маркази бўлиб қолмоқда. Тошкентда жойлашган дипломатик корпус вакиллари ва Ўзбекистоннинг чет эл элчихона ва ваколатхоналари аъзолари тинчлик ва ҳамкорлик йўлида фаолият олиб бормоқда. Тошкент келажакда ҳам тинчлик ва дўстлик шаҳри бўлиб қолажак.

**Дилором РАҲИМБОВА, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди.**

## ШАҲРИМИЗ ЭКОЛОГИЯСИ — КЕЧА ВА БУГУН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу борада тадқиқотлар ўтказиш-ни давом эттириш мамлакатимизда ёш авлодни ватанпарварлик, жоннажон ўлкамизга муҳаббат, халқимиз тарихи ва аъёнларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Тошкент воҳаси қулай иқлим шароити, табиий ва инсон ресурсларига бойлиги билан доимо ажралиб турган.

Ўзбекистон пойтахти бугунги кунда ҳам жаҳон ҳамжамияти учун инсон ва табиат ўртасидаги уйғунликни сақлаш ҳамда ривожлантириш намунаси ҳисобланади. Юртбошимиз ташаббуси билан Тошкентда улкан қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, яшил майдонлар кўпаймоқда. Сўнгги йилларда пойтахтимизда умумий майдони 3 минг гектардан

ортиқ янги бог ва ҳибонлар яратилди, ўнлаб ажойиб фавворалар, сунъий ҳавзалар барпо этилди.

Анжуманда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Ф.Алиев, «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамоатчилиги жамғармаси раиси Н.Умаров, Фанлар академияси Тарих институтининг катта илмий ходими М.Филанович, Археология институти бўлими бошлиғи Г.Богомолов, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Ж.Исмоилова ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон тарихи давлат музейи томонидан ташкил этилган «Қадимий ва навқирон Тошкент» деб номланган кўргазма экспонатлари билан ҳам танишди.

**А.ИВАНОВА, ЎЗА мухбири**

учун режада бундай харажатларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Таъкидлаш жоизки, чиқиндилардан қутулишнинг ягона экологик йўли бугунги кунда уларни қайта ишлашдир. Биринчи навбатда чиқиндиларни, айниқса полиэтилен чиқиндиларини иккиламчи қайта ишлашчи станцияларни барпо қилиш зарур. Бу жараён таълимлаш билан, демак тадбиркорларга жуда кўп фойда келтириши мумкин.

Албатта, шаҳарлар атро-

## Мулоҳаза ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН ФЙДАЛИ

катта ёшдаги одам ўзидан кейинги чиқиндини (шамундан қолган идишчи, ичимлик, озиқ-овқатлардан бўлган идишларни) махсус қутиларга солаётганда экологик фикрга эга бўлиши керак. Яъни у шу йўл билан давлатимизнинг қанча газ ва нефтини тежаб қолаётганига ақли етсин. Чунки янги ишлаб чиқариш учун шулар сарфланади. У шу йўл билан табиати асрайди, чунки иккиламчи хом ашёни қайта ишлаб чиқариш бирламчисини ишлаб чиқаришдан кўра атирақ-муҳитга зарар етказмайди. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда бу ҳақда алоқадор миллий дастурлар ишлаб чиқилган ва одамлар бундан тушунишди. У ерда чи-

қиндиларни сақлаш, қўмиш, сувларга оқизиш, ёндириш таъкидланади.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишнинг ягона йўли чиқиндиларни наваларга ажратиб майдонла-

## ЎЗБЕКИСТОН АРАБ ДУНЁСИ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ал-Иқтисодия» газетасида «Инвестиция учун ноёб мамлакат» сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат тараққийотига таъсири ва Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши ҳақида сўз юритилган.

Мақолада қулай сарможий муҳитни шакллантириш ва тақомиллаштириш, мамлакатда хорижий инвесторлар фаолияти ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида шароитлар яратиб беришга йўналтирилган Ўзбекистоннинг узоқ муддатга мўлжалланган сийосатига қўри баҳо берилган. Шунингдек, унда Ўзбекистон нефть ва газ салоҳиятининг истиқболлари ҳақида фикр юритилган ва қўллаб-қўлланган жаб этиши мумкин бўлган мамлакатнинг асосий диққатга сазовор сийёҳлик масканлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Саудияда нашр этиладиган «Arab News» газетасининг навбатдаги сониде «Ўзбекистон чорламоқда» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Мақола газетаконларни Ўзбекистоннинг тарихи ва ҳозирги даврдаги тараққийоти, мустақиллик йиллари давомида мамлакат ҳаётида юз берган ижтимоий-иқтисодий янгилашулар билан таништиради. Унда ўзбек дўстликчилигининг шаклланишига жиҳдий таъсир кўрсатган тарихий омилларга алоҳида эътибор қаратилади.

Мақола муаллифи ўзининг Ўзбекистонга сафари чоғида олган таассуротлари билан ўртоқлашади. У Тошкент, Самарқанд ва Бухорога сийёҳати давомида қўрган ноҳид маданият ва меъморий ёдгорликларни завқ билан таърифлайди.

«Жаҳ» (Саудия Арабистони Подшоҳлиғи) ҳафталик журналида «Пои Калон меъморий мажмуаси» сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда журналконлар қадимий Бухоронинг тарихи, унинг нафақат ислом цивилизацияси, балки жаҳон фан ва маданияти тараққийотига қўшган улкан ҳиссаси ҳақидаги маълумотларга эга бўлади.

Мақолада ушбу заминда туғилиб ўсган Имом ал Бухорий, Абу Али ибн Сино каби буюк тарихий сиймолар, қадимий шаҳарда қад рўстлаган тарихий меъморий ёдгорликлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Муаллиф Пои Калон минораси ва масжиди, Мир Араб ва «Чор Минор» мадрасалари, Лаби Ҳовуз, савдо ғумбази каби мажмуаларнинг қурилиши ва тарихи ҳақида батафсил ҳикоя қилади.

«Умрон» (Саудия Арабистони Подшоҳлиғи) журналида «Тошкент 2200 йиллик юбилейини нишонламоқда» сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда шаҳарнинг тарихи, архитектураси, ўқув юрти, илмий-тадқиқот ва маданий марказлари ҳамда бошқа эътиборга сазовор жойлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Тошкентнинг 2200 йиллиги нафақат юбилей санаси, балки дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган ушбу шаҳар бой тарихининг сақланиб келиниши ва юксалишининг ёрқин шаҳодати экани таъкидланади. Тошкент ўзининг узоқ тарихи давомида қўпгина синовлар ва машаққатларни бошидан кечиргани, буюк ўзгаришларга гувоҳ бўлгани, бироқ минтақанинг муҳим маданий марказларидан бири сифатида ҳаммиса ўзининг сийсий, иқтисодий ва маънавий аҳамиятини сақлаб қолгани алоҳида қайд этилади. Ушбу далилларни эътиборга олган ҳолда, Ислон конференцияси ташкилотчи (ИКТ)нинг тузилмаларидан бири бўлган Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислон ташкилотчи (ISESCO) 2007 йилда Тошкентни Осиё китъасида «Ислон маданияти пойтахти» деб эълон қилди. Мақола муаллифларининг фикрига қўра, Тошкентнинг 2200 йиллиги нишонлангани нафақат Ўзбекистон учун, балки халқаро ҳамжамият учун ҳам муҳим аҳамиятга молик воқеа ҳисобланади.

«Умрон» журналининг ушбу сониде Ўзбекистоннинг сийёҳлик салоҳиятига бағишланган мақола ҳам эълон қилинган. Унда хусусан «Буюк Ипак йўли»нинг марказида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Жива, Тошкент сингари тарихий шаҳарларда қўллаб дунё аҳамиятига молик ислон маданияти ёдгорликлари ҳақида сўз юритилади. Журнал муҳлисисига Ўзбекистон заминиде Имом ал Бухорий, Ал Хоразмий, Абдуқоҳир Ғийждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Али ибн Сино ва бошқа қўллаб муслмон олимлари, мутафаккирлар, фикршунослар яшаб, ижод қилганликлари ҳақида маълумот берилди. Мақола муаллифлари муштарийларни Ўзбекистонга боришга ва ушбу қадимий заминда асраб-авайлашни келинаётган ҳар бир муслмон кишиси учун муқаддас бўлган бебаҳо ислон қадриятларини зиёрат қилишга астойдил ундашди.

«Жаҳон» АА

## Иқтисодиёт СОМОНДАН ЯРАТИЛАЁТГАН МЎЪЖИЗАЛАР

Миллий ҳунармандчилигимиз, айниқса мустақиллик йилларида ўз бўйбастини ёрқин намойён этмоқдаки, бу ҳунарна меҳр қўйган иқтидорли ёшларимиз маҳоратида ҳам яққол кўринмоқда.

Бир неча йиллардан буён мамлакатимизда Президент соврини учун аъёнаний тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови ҳам ҳунармандларни эл-юртга таништириш, иқтидорларини намойён этишда, муносиб рағбатларга сазовор қилишда катта аҳамиятга эгадир. Ҳунарманд Жасур Жумаев ҳам ана шундай ҳунари гўзаллар сирасидан бўлиб, жорий йилда «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг Мирзо Улуғбек туман босқичида голибликни қўлга киритди.

— Ҳунармандчиликнинг сомон санъати йўналишида ишлашман, — дейди Жасур Жумаев. — Бу ўзига хос ҳунар бўлиб, табиий сомон хом ашёсидан фойдаланган ҳолда турли эсдалик буюмлари, санъат даражасидаги асарлар яратишга интиламиз. Ушбу ҳунар сирларини ус-тозим Отабек Йўлдошевдан ўрганганман. Махсулот тайёрлашда миллийликка эътибор қаратаман. Аввало турли шаклларда эскизлар тайёрлаб, уни сомон асосида бераман. Шу кўнчага 40 хилга яқин махсулотлар яратдим.

Айниқса, Жасур яратган «Тошкентда тўй», «Наврўз», «Насриддин» сингари асарлар ўз жозибаси билан ажралиб туради. У «Келажак овози» танловининг республика босқичида голибликни қўлга киритиб, «Тасвирий ва амалий санъат» номинацияси бўйича дипломга сазовор бўлган.

Жасур Жумаев ҳозирда назарий bilimларини ошириш мақсадида Қомилддин Бехзод номли миллий рас-сомчилик ва дизайн институтида таҳсил олмақда. Айни пайтда эса пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб янги асарлар ҳам яратмоқда.

**Манзура ҲОЖИАҚБАРОВА**

## Анжуманлар

### МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Анжуманда муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласининг долзарблигини ҳисобга олиб, МДХ мамлакатлари микъсиде ўзаро ҳамкорлик тўғрисида халқаро келишувни ишлаб чиқиш ҳамда бу соҳадаги фаолиятларни мувофиқлаштириш учун конфедерация тузиш таклифи ўртага ташланди ва маъқулланди. Ҳуқуқларни жамоавий бошқариш масалалари юзасидан ҳозирги вақтда олиб борилаётган ишлар тўғрисида Ўзбекистон, Озарбойжон, Ар-

манистон, Белоруссия, Қозогистон, Қирғизистон, Молдова, Украина республикалари вакиллари билан тингланди.

Конференция ишида статс-секретарь, Россия Федерацияси маданият ва зирининг ўринбосари Екатерина Чукковская, Муаллифлар ва композиторлар жамиятлари Халқаро конфедерацияси Европа бюросининг директори Митко Чаталбашев, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотчи вакили Сауле Тлевлес-

сова иштирок этиб, сўзга чиқишди.

Мутахассисларнинг эксперт ва таҳлилий маърузаларидан шу нарса маълум бўлдики, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масаласида МДХ мамлакатлари ҳамкорлиги барча тарафлар манфаатларига тўла мос тушади ва интеллектуал салоҳиятлар ривожига ҳисса қўшади.

**Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Республика агентлиғи матбуот хизмати**

## Тадбирлар

### ЁЗ — ЎТАДИ СОЗ

Ўсиб келаётган ёш авлодни маънан етук, жисмонан баркамол шахслар этиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга молик масалалардан бири ҳисобланади.

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида пойтахтимиздаги қорхоналар, ташкилотлар тасарруфидаги 21 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг маънавий ва маърифат хоналари раҳбарлари иштирокида ўтказилган ўқув-семинарлар ўқувчиларнинг ёш ойларидаги вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раисининг ўринбосари — маънавий ва спорт ишлари бўйича бўлим мудир А.Ефимов кириш сўзи билан очди.

Фалсафа фанлари номзоди, доцент Ўткир Юсуповнинг «Ёшларни маънавий таҳсилдорлардан асраб қилиш омиллари», Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодий маркази раҳбарининг маънавий ишлар бўйича ўринбосари Раъно Маъдиеваннинг «Оромгоҳларда маънавий-маърифий ишларни олиб бориш» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Бинобарин, ёшларни ташқи хуружлардан ҳимоялаш, айниқса, болалар оромгоҳларида бу масалаларда ўзига хос тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш ўз аҳамиятини йўқотмайди. Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаётганларидек, «...Биздан узоқ-узоқ минтақалар ва худудларда рўй бераётган яқин ва ёмон ишлар, уларнинг таъсири билан ҳам ҳаёти-мизга яқин тезлигида, биздан сўраб-негиб ўтирмадан кириб келаверади. Замонавий ахборот майдонидеги харажат шунчалар тизиз, шунчалар тезкорки, энди илгаридек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво ўтириб бўлмайди. Мана шу шарт-шароитларнинг барчаси ҳам маънавий, миллий мафқуранинг аҳамиятини янада қўйибтиради. Чунки сир эмас, баъзан беозоргина бўлиб туолган мусиқ, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафқуравий мақсад ва интилишлар ифодаланади. ...» Кўринадик, болалар руҳиятига салбий таъсир ўтказувчи омиллар биз чамалаётганимиздан ҳам кўпроқ. Статистик маълумотларда таъкидланганича, бу борада компьютер ўйинларига ружу қўйиш кўпроқ ҳаф тугдиради. Жумладан, Жанубий Кореяда шу пайтгача ўн нафар болсаки компьютер ўйинларидан таъсирланиш оқибатида ҳаётдан кўз юмган, интернет клубларида шу ўйинларга тақлид этиш оқибатида котиликлар содир этилган, 2,1 фойз болалар интернетомания хасталигига чалинган, уларнинг 80 фойзи жиҳдий муолажага муҳтож, 20-24 фойзининг эса шифоконларда даволанишлари кўзда тутилган...

Йилигиш яқинида ёш оромгоҳлар фаолиятини ташкил этишда маънавий-маърифий тадбирлар қўламини янада кенгайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**



**Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси, «Экология хабарномаси — экологический вестник» журнали ва Марказий Осиё минтақавий экологик маркази томонидан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Жонажон шаҳар экологияси — Тошкент шаҳрига 2200 йил» болалар расм-кўрик танлови ўтказилди.**



Бу танловда 5 ёшдан 15 ёшгача 122 нафар болалар шаҳарнинг бугунги кунги экологияси, экологиянинг келажакдаги тасаввурлари бўйича ишланган 160 дан ортиқ расмлари билан қатнашдилар. Кўрик-танлов ўз олдига бир қанча вазифаларни қўйди. Булар бола-

## ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

ларда атроф-муҳитга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, она табиати севиш, шаҳарнинг ҳозирги кун экологияси ва келажакни тасвир қилиш-дир.

Кўрик-танлов ишлари хайъат аъзолари томонидан болаларнинг ёшига қараб икки гуруҳ йўналишида кўриб чиқилди ва ғолиблар аниқланди. Биринчи гуруҳда Дарья Ти-

мочеева — биринчи, Гулноза Эшматова — иккинчи ва Феруза Эшматова — учинчи, иккинчи гуруҳда Наталья Тен — биринчи, Булат Тугушев — иккинчи ва Асқар Насипбеков учин-

чи ўринга лойиқ деб топилди. Кўрик-танлов ғолибларига Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг Давлатлараро барқарор ривожланиш комиссияси йўғилиши ўтказилган «Гранд Плаза» меҳмонхонасида тантанали равишда диплом ва қўimmatбоҳо мукофотлар топширилди.  
**М.МИРПЎЛАТОВ**

## СУВЛАРИМИЗ СОФЛИГИ — САЛОМАТЛИГИМИЗ ГАРОВИ

**А**троф-муҳит муҳофазасида қишлоқ аҳуҷалик майдонларига сугориш сувлари билан минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситаларининг ташланиши ҳамда ер усти ва ер ости сувларига чорвачилик мажмуаларидан чиқариладиган ифлосланган оқаваларнинг тушиши алоҳида ҳавф туғдиради.

Ер усти ва ер ости сувлари шунингдек, тозалаш иншоотларига эга бўлмаган, бор бўлса ҳам самарали ишламайдиган саноят корхоналари ва аҳоли пунктлари ва шаҳарларнинг коммунал оқавалари билан ҳам ифлосланади.

Аҳоли яшаш санитария шартларини яхшилаш ва хавфли ошқозон-ичак касалликларини тарқалишининг олдини олиш мақсадида санитар чиқиндилари ва уй хўжалиги оқаваларини зарарсизлантириш энг биринчи навбатдаги вазифалар қаторига киради. Канализация оқаваларининг 40 фоиздан камроғи тозаланиши муносабати билан улар сув хавзаларини ифлослантиради ва аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини оғирлаштиради.

Республика бўйича чиқариб ташланадиган сувларнинг умумий ҳажмидан 78 фоизи ифлосланган сувлар — сугориладиган ерлардан чиқариладиган

сувларга тўғри келади, саноятда 18 фоиз ва коммунал хўжаликда 4 фоиз оқавалар ҳосил бўлди, яъни сувларни асосий ифлослантирувчи тармоқ бўлиб қишлоқ хўжалиги ҳисобланади.

Саноятда чиқадиган оқаваларнинг 60 фоиздан кўпроғи тозаланиш талаб этмайдиган меъерий-тоза оқавалар тоифасига киради. Бу сувлар — электр станцияларининг совутишдан кейинги, балиқчилик хўжаликлари ҳовузлирининг ташлама сувлари, корхоналар ҳудудларида ер ости сувлари сатҳини пасайтириш учун чиқариб ташланадиган сувлар ва ҳокзолардан иборат.

Тоғларда ҳосил бўлиб оқиб келадиган дарё сувларининг сифати жуда ҳам аъло бўлиб, бу сувлар деярли ҳеч қандай нарса билан ифлосланмаган ва уларнинг минераллашганлиги катта эмас. Бироқ оқиб борган сари сув сифати кескин ёмонлашади.

Хусусан, сув йўқотилишини минималлаштириш учун сугориш тизими иш тартиби ва параметрларини сугориш техникаси билан яқин боғланишини ўз ичига оладиган сувни муҳофазаси қилиш ва сувни иқтисод қилувчи тадбирлар мажмуасини амалга ошириш йўли билан оқилонга фойдаланишга эришиш даркор.

Атмосфера ҳавосини муҳофазаси қилиш соҳасидаги давлат назорати нозорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ишчи ҳудудий комиссиялар руҳсатига биноан ўтказилди. Конвенция атмосфера ҳавосини ифлослантириш ва унинг минтақавий даражадаги оқибатларини ўрганиш ва мониторингинг ҳамда чиқиндиларни камайитириш стратегиясини ишлаб чиқиш соҳасида ҳаракатларни бирлаштиришни таъминловчи асосий келишувлардан бири ҳисобланади. Мазкур ҳужжат мажбурий юридик қучтига эга бўлган протоколларни ишлаб чиқиш йўли билан аниқ бир ифлослантирувчи моддаларни чиқаришни чеклаш бўйича асос яратилди.

Тахминлар тропосфера озони қузатиб борилаётган шаҳарларда УОБ чиқиндиларини чиқариш асосан камайиб бораётганлигини кўрсатади. Умуман олиб қаралганда, 1991 йилдан бошлаб атмосфера ҳавосининг ифлослашиш даражасининг пасайиши кузатишмоқда.

**Р.ХУСУЛИН,**  
давлат ноziри

## «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ НАТИЖАЛАРИ

Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси биринчи босқич «Тоза ҳаво» тадбирида 13750 та шахсий ва давлат автотранспортларидан 450 тасини текширишни режага киритган эди, амалда эса жами 16275 та, шундан 15750 та шахсий ва 525 та давлат автотранспортлари текширилди.

16275 та автотранспортлардан бензин ёқилгисига мўлжалланган 15750 та шахсий автотранспортлар бўлиб, 1276 тасида углерод оксиди меъёрдан ортиқча чиқариш аниқланди.

Бундан ташқари 9 та давлат автобус парклари ва 3 та АЁҚШ да назорат тартибидаги текширувлар амалга оширилди. Автотранспортларнинг бензин ёқилгисига мўлжалланган 265 та автобусларидан 21 тасида углерод оксиди ва 260 та дизел ёқилгисига мўлжалланган автобусларнинг 22 тасида тўтун моддалари меъёрдан ортиқча чиқариш аниқланди.

Автобус паркларининг мутасадди ходим ва раҳбарларига аниқланган камчиликлар юзаси-

дан тегишли 20 та кўрсатмалар берилди ва 10 та мансабдор шахслар 372040 сўм миқдорда жаримага тортилдилар.

Текширувларда шунга амин бўлдики, дизел ёқилгисига мўлжалланган автобуслардан «Мерседес» автобуслари «Отайул» ва «ДЭУ» автобусларига нисбатан 2 баравар кам миқдорда тўтун газларини атмосфера ҳавосига ажратиб чиқарар экан.

«Тоза ҳаво» тадбири давомида 2009 йил 1-чорагида давлат стандартидан ўтган углерод оксидини ўлчашга мўлжалланган «Инфрот-8», 121 ФА-01, Автотест, ГАИ-1 ва тўтун газларини ўлчашга мўлжалланган Мета 01-МП ва «ТОЗАЛ» аппаратларидан фойдаланилди.

«Тоза ҳаво» тадбирида аҳоли орасида ташвиқот-тарғибот ишларини амалга ошириш бўйича шаҳар марказий кўчаларида 10 та баннер плакатлари ва шаҳар автотранспортлари ва метроларида 500 дан ортиқ плакатлар жойлаштирилди.

**А.КАЛИМБЕТОВ,**  
давлат ноziри

## ТОМЧИСИ ОЛТИНГА ТЕНГ

**Ж**онли табиатга нооқилонга муносабатда бўлишнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида табиати муҳофазаси қилиш тўғрисида қонун қабул қилинган.

У табиий муҳитнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий негизини сақлайди ва табиий бойликлардан оқилонга фойдаланишни таъминлайди. Қонуннинг мақсади — инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлигини, экологик тизим, табиий комплекслар ва алоҳида объектларнинг муҳофазасини, фуқароларга ўз соғлиқларини сақлашни, уларга қўлай табиий муҳит ҳуқуқларини яратилиши таъминлашдан иборатдир.

Сув бу — ҳаёт манбаи. Ҳозирги кунда сувнинг танқислиги сезилмоқда, сув ресурсларини ифлослашдан муҳофазаси қилиш муҳим масалалардан биридир. Лекин сув манбаларининг саноят, маъиший хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан ифлослантирилиши давом этмоқда. Сувнинг бу қадар танқислиги тоза сувнинг камайиб кетганлигидан рўй бермоқда. Натижада кўп туманлардан оқиб ўтадиган айрим каналлар очiq канализация манбаларига айланиб қолди.

Аммо сув фақат ифлосланвермайди, табиий сув ажойиб хусусиятга эга бўлиб, ҳоссаларини тиклай олади, ўзига тушган ифлос моддаларни ачитади, нейтраллайди.

Лекин бундай хоссанинг маълум чегараси бор. Бора-бора сувнинг ўз-ўзини тозалаш хоссаси тўхташи ва ҳаётбахш дарё ёки кўл кўп йиллар, балки ўн ва юз йиллар давомида барча тирик мавжудот учун ҳалокатли хавф туғдирадиган ҳаётсиз оқва коллекторга айланиб қолиши мумкин.

Сув муҳитининг ниҳоятда ҳаракатчанлиги билан табиий муҳит ва ресурслардан фарқ қилади. Табиатда сув тўтовсиз ҳаракатда бўлади.

Сув ресурсларининг ҳамма манбалари океан, денгиз, дарё, кўл, ер ости суви ва барча табиатдаги мавжуд унсурлар таркибидаги сувнинг айланма ҳаракати орқали ўзаро боғланган. Фанда сайёрамиз ерда ҳаёт учун авваламбор сув муҳитида пайдо бўлган, деган илмий тушуна ҳам мавжуд. Барча жонзотлар қонининг таркибида ҳам, ўсимлик ширасининг таркибида ҳам сув бор. Унинг ёрдамида тирик организмларда ўлик табиатда бўлмайдиган модда алмашинуви каби жараён юз беради.

Тирик организмлар вазнининг ярмидан ортигини сув ташкил этади. Сувнинг ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида қўлланилишини бошқа ҳеч қандай табиий ресурслар билан таққослаб бўлмайди.

Ўлкамизда оқва сувларга қондонларимиздан чиқариш чикиндиларни ташлашмаслик, аксинча, доимий равишда сув атрофида ободончилик ишларини олиб бериб туриш мақсада мувофиқдир.

Демак, инсон учун бебаҳо ҳисобланган сув, ҳаво, ўсимликлар дунёсига зарар етказмаслик мустақил ўлкамизда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини унутмаслик керак.  
**Ж.МАДАЛИЕВ,**  
1-тоифали мутахассис



## Ҳаммамизга маълумки, сув — бу табиат бойлиги, инсон ва бутун ер юзидаги жонзотлар учун зарур бўлган асосий манбадир.

Шу сабабли сув, унга доир масалалар республикамизнинг Бош қўмитасида, давлат ҳўжатларида асосий ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда атроф-муҳит муҳофазаси, экология масалалари бутун жаҳон, хусусан, мамлакатимиз фуқаролари олдига турган асосий муаммолардан биридир.

Умуман олганда сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймасликни ва сувни келажак авлодларимизга асраб-авайлаб етказишни тақозо этади. Давлат экологик сўбатининг мақсади ҳам миллий бойлигимиз бўлган сувнинг исрофгарчилигига йўл қўймаслик, аҳоли онгини экобилим-тарбия билан бойитишдан иборатдир. Тошкент шаҳрининг экологик ҳолати кўп жиҳатдан сув ресурслари — сув хавзалари, каналларнинг ҳолатига ҳам боғлиқдир. Пойтахт табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг иш фаолиятида ҳам бу масалага катта эътибор берилди. Қўмитата қарашли махсуслаштирилган аналитик назорат инспекциясининг иш режасига «Сув мониторинги» киритилган. Шаҳар ҳудудидан оқиб ўтадиган асосий катта каналлар, сув хавзалари назоратга олинган.

Каналларда намуна олиш жойлари — ифлосланиш хавфи бўлган манзиллар белгиланган. Бундан ташқари каналларга оқва сувларини чиқариладиган 8 та корхона ҳам назоратда туради. Намуналар лаборатория-

да таҳлил қилиниб, ҳулосалар тайёрланади ва чоратадбирлар белгиланади. 2008 йилда 392 намуналар олиниб 8000 дан ортиқ кимёвий анализлар бажарилди.

Қўмита ходимлари томонидан олиб борилаётган ишлар, чора-тадбирлар экологик муаммоларни еча олмайди, қачонки ҳар бир фуқаро ўз онгини, тушунчасини экологик мақсадга йўналтирмади.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, қўмита ходимлари оммавий ахборот воситаларида, телевидение, радио ва газета-журналларда чиқишлар қилиб бордилар.

Лекин табиатга бўлган ижобий муносабатни боғча, мактаб, олий ўқув юртиларидан, маҳалла фаолларининг тушунтириш ишларидан бошлаш керак деб ўйлаймиз. Она табиатимиз бойлиги бўлган ер, сув, ҳавони асраш, уни ифлослантиришга, зарарлантиришга йўл қўймаслик ҳар бир юрtdошимизнинг вазифаси, бурчи бўлиб қолиши лозим.

Ифлосланиш меъёрларидан ортиқча фойдаланиш, атроф-муҳитни ифлослантириш ҳўқуқбузарлик бўлиб ҳисобланиши ва тегишли чоралар қўрилиши, юридик жавобгарликка тортилиш белгиланишини унутмаслигимиз шартдир.

Ҳулоса қилиб айтганда, ўз соғлигимиз, табиатимиз софлиги ўз қўлимизда.

**Хидаятхон ЖўРАБОВЕВА,**  
давлат ноziри, бош мутахассис

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**ҲИКМАТЛАР**  
**МАХТУМҚУЛИ**

Мағрур бўлиб кезма умринг гулига,  
Дуч бўларсан бир кун хазон елига,  
Юз йил яшаб, тушсанг ажал қўлига,  
Чапингдан ўнгингга  
боққанча бўлмас.

Кўнгли қора билан  
бўлманглр улфат,  
Юқар ундан турли-туман касофат.  
Кўмирга ҳар неча айласанг иззат,  
Манглайга қораси юққанча бўлмас.

Махтумқули, ҳаргиз топмади омон,  
Ёмон тилнинг захри тиглардан ёмон,  
Ёмон тил ёнида захри кўп илон —  
Чакса-да, бир чивин  
чаққанча бўлмас.

Бор сўзига қулоқ осгил билганинг,  
Охири ҳеч ерга етмас ёлғонинг,  
Умри-ёши ортар олқиш олганинг,  
Қарғиш тегмай қолмас,  
ёшни синдирад.

Одамзоддан чиқар одамлик иси,  
Муттаҳамнинг дарҳол чиқади миси.

Узоқ йўлга бедавлатни бош этма,  
Эркни қўлдан бериб,  
қалбни тош этма,  
Аҳмоққа ич бериб, сиринг фош этма,  
Ғалвирда сув турмас,  
беркитмоқ билан.

Асли кўнгил берма бевафоларга,  
Бок: ким вафо кўрмиш  
бевафолардан?  
Кўйма ўзинг ўринсиз жафоларга,  
Ким баҳра топибдир бу жафолардан?

Зарбофга ўч бўлмагил, бақо  
йўқдир давлатда,  
Умрингни елга берма сен бу  
дор ул-меҳнатда,  
Етар сенга эрта-кеч не  
ёзилса қисматда,  
Жонингга жафо айлаб кезма  
бунча ҳасратда,  
Савоб яхши амалда, ёхуд  
яхши ниятда,  
Олам барча хизматда,  
одам ётур гафлатда,  
Ҳосилинг оташ бўлғай  
айласанг ёмон пайдо.

Яхши билан бўлсанг ҳамроҳ,  
Ишинг завқу сафо бўлур,  
Йигитликда қилсанг тавба,  
Кўп дардингга даво бўлур.

Ёмон кўшни чопар қайта,  
Йиқилсанг-да тепар қайта,  
Сендан айб топар қайта,  
Бошингга бир бало бўлур.

Одам яхшиси олимдир,  
Амал этмаса, золимдир.

Ишинг тушганда бир мардга  
Ёмон кунда қалъа бўлур.

Фаҳм айламас сўз маънига етмаган.  
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Шайхонтоҳур туманидаги 84-умумтаълим мактаби томонидан 1999 йили Халилов Қодир Қобилович номига берилган O'RZ-330503 рақамли 9-синф шаходатномаси йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Халқ ижодиётини ривожлантириш, фольклор соҳасини ёшларга пухта ўргатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази ҳамкорликларида фольклор этнографик ансамбллар ўртасида ташкиллаштирилган кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида уюштирилди.**

Унда шахримиз туманларида фаолият юритаётган маданият уйлари қошидаги фольклор-этнографик ансамбллар иштирок этди.

Миллий урф-одатларимиз, миллий либосларимиз, анъаналаримизни ўзида акс эттирган халқ кўшиқлари, лапарлари, айтишувларини ёшларга етказиш ҳамда ижрочилик маҳорати юксак бўлишини таъминлашга хизмат қилувчи ушбу кўрик-танлов юқори савияда ўтди.

— Фольклор кўшиқлари устаси Раҳима Мазохидованинг санъатидан баҳраманд бўлмаган инсон ораимизда топилмас керак, — дейди Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи директор ўринбосари Хосият Маллабоева. — Эътиборлиси, Раҳима Мазохидова халқ кўшиқларини маромига етказиб ижро этган, халқ лапарлари, аллалари, айтишувларини келажак авлодга мерос қилиб қолдиришга катта ҳисса қўшган. Шу боисданми, ушбу кўрик-танловнинг айнан Раҳима Мазохидова хотирасига бағишланиб ўтказилаётганлиги қувонарли ҳол.

Дарҳақиқат қадриятларимизнинг, миллий урф-одатларимиз, куй-кўшиқларимизнинг ёшлар орасида оммалашшига хизмат қилувчи ушбу кўрик-танлов жуда файли ўтди. Тадбирга келган санъаткорлар, шинавандалар халқ кўшиқлари ва куйларидан баҳраманд бўлишди.

Тадбир якунида ҳакамлар ҳайъати томонидан биринчи ўринга Т.Содиқов номидаги Тошкент шаҳар маданият уйи қошидаги «Нодирабегим» халқ фольклор-этнографик ансамбли лойиҳа деб топилди. Танловда иштирок этган Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи рус фольклор-этнографик ансамблига иккинчи ўрин, Шайхонтоҳур туманидаги «Зилол» фольклор-этнографик ансамблига учинчи ўрин nasib этди.


Тадбир якунида голиб ва совриндорларга мутасаддиларнинг совринлари, қимматбахо совғалари тўхфа этилди.

(Ўз муҳбиримиз)

**СУРАТДА:** кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичидан лавҳа

## Танловлар

# ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ ВА ЛАПАРЛАР ЯНГРАДИ



## Кун кеча «Тошкент»

**отчопарида Ўзбекистон от спорти федерацияси томонидан Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган от спорти бўйича очик чемпионат беллашувлари ўтказилди.**

Бу тадбирда икки ёшли отлар 1200 метрга, 3 ёшлилар 1600 метрга, 4 ёшли тулпорлар эса 1800 метрга чопиш бўйича ўзаро баҳс юритди. Мусобақаларда «Лопес» лақабли, «Файзи Омон», С.Файзиёвга қарашли «Гонконг», «Роксана», «Ўзбегим» от спорти клубидан А.Исмомилевга тегишли «Зеркало» каби отлар биринчи босқичда қатнашиб, яхши натижалар кўрсатишди. 1600 метрга чопишда эса 3 ёшлилар ўртасида «Даймистр», «Бланс Пирс», «Файзи Омон», «Веддинг-Плей», «Крик», «Ўзбегим» клуби отлари қатнашишди. Баландликка

## Мусобақалар


# ОТ СПОРТИ ЯНАДА РИВОЖЛанади

тўсиқлардан сакраш бўйича мусобақада 1,40 сантиметрга, 1,60 сантиметрга «Алмаз» лақабли отда Елена Гребенкова ҳамда «Блок» лақабли отда АҚШлик спорт устаси Алемка Берлинер юқори кўрсаткичларга эришишди. Тўсиқлар орасида баландликка сакраш бўйича Алишер Мирзаевага тегишли «Солист» 1,80 сантиметрга сакраш бўйича биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақа якунида қатнашчиларга мукофотлар топширилди. Тошкент Отчопари раҳбари Шайхали Алашов, устоз-мураббийлар Зайниддин Шаропов, Исоқ

жон Содиқов, Жўрақўзи Турдиматовлар спортчиларга келажакда бундан катта ютуқларга эришишларида омадлар тиладилар.

**Саид ВАЛИЕВ,**  
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси



## «01»

# РЕЖАЛИ ТАДБИРЛАР САМАРА БЕРАДИ

**Дунёда бирор сабабсиз ҳеч нарса содир бўлмайди. Шу жумладан ёнгинлар ҳам. Агар биз содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя этмаслигимиз ёки ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари берган кўрсатмаларни назар-писанд қилмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигининг гувоҳи бўламиз.**

Аҳоли турар жойларида ўтказилаётган текширувларда асосий эътибор тартибот-ташвиқот ишларига қаратилмоқда. Туман ЭХБ ходимлари, туман ИИБ профилактика инспекторлари, туман газ таъминоти ва электр тармоқлари ходимлари иштирокида маҳаллаларда аҳоли билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Шу ўринда 2009 йилда содир бўлган ёнгинларни мисол тариқасида келтириб ўтишни лозим деб топдик. Масалан, 2009 йил 4 февраль кун кеча соат 1 дан 14 дақиқа ўтганда Тошкент шаҳар ИИББ ЭХБнинг диспетчерлик хизматидан Мунаввар

кўчаси, 33-уйда ёнгин бўлаётгани ҳақида хабар олганимиз заҳотиёқ йўлга чиқдик. Тезда манзилга етиб бориб, ёнгинни ўчиришга киришдик. Ёнгин оқибатида 33-уйда истикомат қилувчи 1979 йилда туғилган Давлатой Раҳматова, 2001 йилда туғилган Шахноза Тошкенова, 2008 йилда туғилган Бахтшод Тошкенова, 1979 йилда туғилган Ориф Раҳматов, 1984 йилда туғилган Муҳтабар Юлдашева ва 1986 йилда туғилган Улугбек Эшонқулловлар ҳар хил қўйиш тан жароҳатини олишди ва шу заҳоти ёнгин хавфсизлиги ходимлари томонидан тез тиббий

ёрдам автоуловиди шифохонага жўнатилди. Ёнгиннинг қўлбола электр иситиш мосламаларидан фойдаланиш оқибатида унинг электр симлари бардош бермасдан қизиби ёнғини хавфсизлик содир бўлганлиги аниқланди. Шу йилнинг 11 март кунини Лисунов 1-дахаси 20-уй, 12-хонадонда ҳам эрталаб соат 9 дан 26 дақиқа ўтганда ёнгин содир бўлганлиги ҳақида хабар олдик. 12-хонадоннинг битта яшаш хонаси 10 метр майдонда уй жиҳозлари билан ёнган ва уй эгаси 1941 йилда туғилган Р.Гладишева юзи, иккала қўли 1-2 даражали S-4 фоиз термик қўйиш жароҳати билан

комбусталогия бўлимига ётқизилган. Ёнгиннинг келиб чиқиш сабаби электр мосламасидан ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилинмаганлиги эканлиги аниқланди.

Бундай мисолларни кўлаб келтириб ўтишимиз мумкин. Таъкидлаш керакки, ходимларимиз томонидан, айниқса кўп қаватли турар жой биноларида, жамоат ва маъмурий биноларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича тартибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ва уйлarning олдида борувчи йўлларни тўсиб қўйиш, ўраб олиниши ҳолатларига алоҳида эътибор қаратиш керак. Сабаби ёнгин ёки бошқа фавқулодда ҳодиса содир бўлганда ўт ўчириш автоуловларининг белги-ланган жойга етиб боришлари ва офатни тез бартараф этишга юқоридаги ҳолатлар қийинчиликлар туғдирмоқда.

Ҳамза тумани ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бўлими яна бир бор эслатиб ўтади, ёнгинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш ошондир.  
**Анвар ЗИЯБЕКОВ,**  
Ҳамза тумани ИИБ ЭХБ инспектори,  
катта лейтенант

**Бу йилнинг анча серёғин келгани, айниқса деҳқонларимизга ризқ-барака, хушнудлик бахш этаётгани бор гап. Бироқ бунинг ўзига хос таъшивлари ҳам мавжудки, бу олдиндан тайёргарлик кўришга ундасдан қолмайди.**

## МАВСУМ ТАРАДДУДИ

Негаки, ёнгинчилик меъёридан кўпроқ бўлган тақдирда ёмғир сувлари ариқ ва каналларнинг сувига қўшилиб, тўпланган маийш чикиндилар тикин ҳосил қилиб қирғоқдан тошиб кетиш эҳтимоли юзага келиши ҳам мумкин.

Шу боис, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси масъул ходимлари бу борадаги тайёргарлик ишларини анча олдиндан бошлаб юборган эдилар. Баҳор мавсуми олдиндан бошқарма ходимлари томонидан Ободонлаштириш бош бошқармасининг ихтисослаштирилган сугориш шохобчалари, кўкаламзорларни парвариш қилиш ва таъмирлаш марказий бошқармасига қарашли Юнусобод туманидан оқиб ўтувчи ариқ ва каналларнинг тозаланганлик ҳолати жойларга чиқиб текширилди. Текширув жараёнида «Кўнғирок» канали тўлиқ тозаланиб, 17- ва 18-дахалардан оқиб ўтувчи қисмида тўпланган чикиндилар олиб ташланди. Шунингдек, Кўрхўжа ота каналининг «Самсунг» дўқони, Ифтихор кўчаси Дарвозакент-2 каналининг Аҳмад Доғиш кўчаси ва Юнусобод туманининг 4-дахаси, Савур каналининг Ғайратий маҳалласи ва Муқаррама Турғунбоева кўчаси ҳамда Дарвозакент-1 каналининг «Оқил ота» қабристонини ёни, Ҳасан каналининг Халқа йўли орқали ва «Истиклол» маҳаллаларидан оқиб ўтувчи қисмлари тозаланиб, тўпланган чикиндилар олиб чиқиб ташланди.

Айни кунларда пойтахтнинг бошқа туманлари худудидан оқиб ўтаётган бошқа ариқ ҳамда каналларни тозалаш, сувларни ўтказиб юбориш ва бошқа профилактик тадбирлар белгиланган режа асосида давом эттирилмоқда.

Азамат СУЮНОВ

## ТИХОРИ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан 2009 йил 14 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, 1.Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 19.03.2009 йилдаги 0904/1503-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Spartak Stii» ККга тегишли Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, Бакинская кўчасида жойлашган, умумий майдони 589,81 кв.м. бўлган, 2 қаватли маъмурий бино — блок «А» ва умумий майдони 198,45 кв.м. бўлган, оғборхона биноси — блок «Ж» қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм. 2.ЖИБ Тошкент тумани судининг 14.05.2008 йилдаги 197-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уй манзилда сақланаётган «Москвич-412» русумли, д/р 104723 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 200 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 25.12.2006 йилдаги 1-1020/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Газ-31029» русумли, д/р 30V7721 бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 2 762 798 сўм.

Кўчмас мулк ва автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдаларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдаларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилганда зақалат қилишга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатиди ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг ОАИКБ —Ипак йўли банки» Сабон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 01036, ИНН: 200933850, х/р: 20210000300571452114. Манзил: Тошкент ш. С.Раҳимов т., М.Уразабоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3676 нусхада босилади. Қўғоғи биринчи А-2

## ТУРФА ОЛАМ

• Энг баланд бўйли инсон мақомига янги номзод Хитойда аниқланди. Собик баскетболчи Чжао Лянинг бўйи 2 метр 46 сантиметрни ташкил этади. Чжаонинг бўйини у оёғидан жароҳат олиб шифохонага ётганида шифокорлар ўлчашган. Энди у «баланд бўйли» мақомига расмий равишда тан олишларини истамоқда. 27 ёшли қахрамонимизни расмий тан олишлари учун унинг бўйини бир неча ҳолис экспертлар тасдиқлаши керак. Собик баскетболчининг спортдаги фаолияти 10 йил аввал оёғидан лат еганида ниҳоятга етган. Шундан кейин у кўча артисти сифатида ишга кирган ва ҳозирга қадар ўша ерда ишлайди. Ота-онасининг бўйи оддий инсонларникидай экан. «Мен Чжаонинг уйланиши, ишлаши ва саломатлиги ҳақида шу қадар қайғуриб, сочларим оқариб кетди», — дейди Лянинг волидаси. Бугунги кунга қадар «Энг баланд бўйли» мақомига хитойлик Бао Сишунь эгаллаган эди. Унинг бўйи 2 метр 36 сантиметрни ташкил этади. Бао Сишунь бундан тўрт йил олдин шу номга сазовор бўлган эди. Инсоният тарихидаги энг баланд бўйли инсон эса бўйи 2 метр 72 сантиметр бўлган Роберт Першинг Уодлоудир.

• Scienke журналі хабарларига кўра, Антарктика музлари остидидаги шўр денгизда қуёш нуруси 1,5 миллион йилдан бери микро-блар яшаб келмоқда. Олимлар Тейлор муз-лигидан оқиб чиқувчи тўқ қизил рангли сув жилғасини текшириб, микробларнинг илк изларини топган. Бундай антика рангли сув 1911 йилда илк бор аниқланган эди. Утган аср ўрталарида олимлар бунинг сабаби сув таркибидида темир моддасининг юқорилигида деб топилди. Мазкур сув оқиб келаётган шўр кўл 1-1,5 миллион йил аввал қалин муз қатлами остидида қолган. Унинг таркибидида туз микдори океан сувига нисбатан тўрт баробар юқори бўлгани учун кўлнинг ўзи музламаган. Олимлар кўлга ета олишолмаган. Шунга қарамай, Жил Микукки бошчилигида Гарвард университети олимлари микроорганизмлар қандай қилиб яшаётганини исботлашган. Қуёш нури ва озик моддаларисиз бу микроорганизмлар сувдаги сульфатларни парчалаб ва ишқорлаб, яшаш учун қувват тўплашди. Уларнинг ноёб метаболити бошқа экзотизмларда такрорланмайди. Бу ердан олишда ҳам ҳаёт борлигига умид уйғотади.

• Америкалик олимлар Ойда Брюссель қарамини ўстиришмоқчи. Бу келажакда Ойдаги инсон колониялари ўзини оқват билан таъминлай олиш масаласини аниқлаб беради. Режага кўра, Ойда минерал-жерлар ташкил этилиб, унда гуллар ва чидамли ўсимликлар ўстирилади. Жумладан, Брюссель қарамини. Мазкур лойиҳа «Ойдаги оазис» номини олди. Ушбу оранжерея Ойда 2012 йил арафасида чиқарилади. Аризонанинг Paragon компанияси NASA билан авваллари ҳам тажрибали уюштирган. Улар бу лойиҳани Ойнинг гулларга тўла далалари йўлидаги илк қадам деб аташмоқда.

• Целлюлозадан олинган иккинчи авлод ёқилғисини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш мақсадида олинган бензин ва биоэтанолга нисбатан самарадор экан. Миннесота университети эколог олими Дэвид Тилман ва унинг ҳамкасблари илк бора барча турдаги ёқилғининг бир литрини ишлаб чиқариш ва фойдаланиш учун қанча маблағ сарф бўлишини баҳолашди. Шунингдек, ҳар бир циклининг қанчалик экологияга таъсир этишини ўрганишди. Шунга кўра бир литр бензин атроф-муҳит ва инсонлар саломатлиги омилли олиб ташлангани ҳолда 18 цент, биоэтанолники эса 18-40 цент деб баҳоланади. Аммо, этанолнинг целлюлозадан олинган бу микдори 5-9 центда баҳоланади. Гарчи, этанолни целлюлозадан ишлаб чиқариш оммалашган бўлса-да, унинг бир қатор устунликлари кўпчилик томонидан эътироф этилиши келажакдаги истикболни белгиламоқда.

• Россиянинг Николаев областида ўрмон кесувчилар оламшумул топилама дуч келишди. Дарах экишга шайланган ўрмончилар милоддан аввалги олтинчи асрга оид антик некрополни аниқлашди. Улар 70 см чуқурликда одам суяклари ва керамика қолдиқларини топди. Аммо археологик ёдгорликларни асраш хизмати уларни вайронкорликда айблаган. Ўрмон ҳўжалиги бошқармаси ходимлари эса ўз айбларини тан олишмаган. Чунки Днепр соҳили маҳаллий аҳоли қабрларига тўла жойдир. АЕАХ ходимлари мазкур йил бошидан бугунга қадар ҳўжалик ишлари туфайли 20 та тарихий ёдгорликка зарар етганини айтишган.

## Хурматли тадбиркорлар!

**Тошкент шаҳар худудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефон»лари ташкил қилинган:**

269-14-45, 262-92-42

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**  
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва сақланган.  
«Шарқ» нашриёт-матбوع акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
156